Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

3

1994 йил 15—21 январь (145)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Хабарлар мағзи

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Кенгашининг қарорига асосан ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни, октябрь ойининг биринчи якшанбаси эса Республика ҳалқ таълими ходимлари куни сифатида нишонланадиган бўлди.

● МАМЛАКАТИМИЗГА ташриф буюрган Президент Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон Республикаси давлат делегацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома ва давлат делегациясининг ташарифи якунлари ҳақидаги қўшма баёнот ҳамда бир қанча бошқа ҳужжатлар имзоланди.

● НУКУСДА Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, шунингдек, Россия Федерациясининг расмий делегацияси ҳам қатнашди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов очди.

Қозоғистон Республикаси Президенти, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси раиси Н. Назарбоев қилинган ишлар ҳақида маълумот берди.

Анжуман сўнгида давлат раҳбарлари журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

● МАРКАЗИЙ Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси иштирокида Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган II конференцияси ҳақида баёнот қабул қилинди ва навбатдаги амалий учрашув шу йилнинг иккинчи ярмида Тошҳовуз шаҳрида бўлиши келишиб олинди.

● НУРСУЛТОН Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон Республикаси давлат делегацияси Хоразмда бўлиб Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур обидаларини зиёрат қилди. Сўнг меҳмонлар Самарқандга ташриф буюрдилар ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

НОИБ СЕССИЯДАН ҚАЙТДИ

ЯҚИНДА Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ қўмиталари, хусусийлаштириш бошқармасига қарашли бўлимлар, «Ўзбекистон саёҳатлар миллий гурухининг ҳудудий ташкилотлари, Термиз шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси ходимлари, вилоят марказидаги касаба уюшмалар ташкилотлари раисларининг халқ ноиби, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳумойиддин Шарофутдинов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ноиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий кенгаши ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган асосий вазифалар, янги қабул қилинган қонунлар ҳамда аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида белгиланган тадбирлар ҳақида гапирди. Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ куни учун ҳар бир киши нинг ўз виждоний бурчи бўлмоғи зарурлигини таъкидлади у. Ноиб учрашув қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

С. МЕНГНОРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ, БАЙРАМИНГИЗ МЎБОРАК!

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИ САҚЛАШДА СИЗЛАРГА КУЧ-ҚУВВАТ ТИЛАЙМИЗ!



ТОШКЕНТ Олий Умумқўшин командирлари билим юртининг ўзига хос тарихи бор. 1918 йилнинг 12 июлида ташкил топган мазкур даргоҳ 75 йиллик шонли йўлни босиб ўтди. Шу давр ичида 25 минг нафардан ошиқ зобитлар тайёрланди. 1993 йилга қадар билим юртиг умумқўшин командирларини тайёрлар эди, айни кунлари эса чегара ва артиллерия қўшинлари учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

Билим юртида энг яхши бўлинма командири полковник Батур Рахиммирзаев, майор Абдумавлон Маликов, рота командири катта лейтенант Баҳодир Азимов, взвод командири, лейтенант Руслан Ҳамроев каби зобитлар борки, уларнинг номлари фахр билан тилга олинади.

Бу йил илк бор Ватан ҳимоячилар кунининг байрам сифатида нишонланиши зобит ва курсантларни беҳиҳоя мамнун этди. Мустақил республиканинг ютуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя этиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир. Буни чин дилдан ҳис этган билим юрти жамоаси 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб ютуқлар билан кутиб олдилар.

Суратларда: Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти курсантлари ҳаётидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Алимурод МАМАДАМИНОВ.

УНИНГ НОМИ ЯШАЙДИ

— Алло, бу «Ишонч» газетасими?

— Ҳа, «Ишонч» сизни эшитади!

— Ассалом алайкум! Газетангизнинг шу йилги биринчи сонини қўлга олиб, «Адолат телефони» иш бошлаганини ўқидим. Ва қишлоғимиздаги куни кеча гувоҳ бўлганим — бир воқеа ёдимга тушди.

— Қани айтингчи.

— Ҳамқишлоғим Бурхонжон Даминовнинг таржимаи ҳоли ўзимиз қатори — оддийгина. 1968 йилнинг 7 январида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Ириқул қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Бурхонжон агроном бўлишни орзу қиларди. Шу орзу билан Ғаллаоролдаги қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Лекин ҳали техникумни тамомламасидан Афғонистонга урушга жўнатилди.

Бурхонжон юрагида ўти бор йигитлардан эди. У жасорат намуналарини кўрсатди. Афсуски, орадан бир йил ўтиб, 19 ёшида ҳалок бўлди. Начора, ўлимга даво йўқ. Ўзи таълим олган 12-ўрта мактабга Бурхонжон Даминов номи берилди.

Яқинда эса яна бир савобли воқеанинг гувоҳи бўлдим. Қаҳрамон йигитнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида мактаб ҳовлисида Бурхонжон Даминовнинг бюсти ўрнатилди. Гўё йигитча жонажон мактабига қайтгандек. Барча ҳамқишлоқларимиз, уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланишди. Жангчининг ўқитувчиси Сулаймон Одинаев, синфдоши Содиқ Дўстмуродов, бирга жанг қилган дўсти Эркин Мавлоновлар мард ва жасур ўғлон ҳақида жўшиб сўзладилар. Шу куни Бурхонжоннинг руҳи шод бўлди, деб ўйлайман.

— Раҳмат! Ўзингизни таништиринг:

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Ишонч № 3 1994

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

НАВОИЙ вилояти касаба уюшмалари кенгаши ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси қўшма пленумида «Вилоят касаба уюшмалари фаолиятида ташкилот, корхона ва муассасаларда иш шароитини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг бориши, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш — меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишининг асосий йўналишлари тўғрисида» вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг муовини Н. Д. Тўхтаевнинг маърузаси тингланди.

Шунингдек, пленумда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг раиси Д. А. Воҳидов ҳам шу мавзуда қўшимча маъруза қилди.

Музокараларда Навоий цемент заводи бош муҳандиси В. Холнин, тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг раиси З. Шарипов, вилоят дон ва нон маҳсулотлари комбинати касаба уюшмаси қўмитаси раиси С. Қурбонова, Қизилтепа пахта тозалаш заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Л. Эшов, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Томди тумани қўмитаси раиси Т. Кардиев, давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи тумани қўмитаси раиси Ҳ. Тошпўлатова, Навбаҳор туманидаги Свердлов номидаги жамоа хўжалиги бригадири А. Сулаймоновлар сўзга чиқдилар.

Вилоят ташкилот, корхона ва муассасаларида, давлат ва жамоа хўжаликларидаги деҳқонлар ва хизматчиларнинг 32 мингдан ортиқроғига яхши иш шароити яратилмаган, жиҳозланмаган ва зарарли жойларда меҳнат қилмоқдалар. 1,5 мингдан зиёд иш жойлари санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди, 1126 нафардан зиёд ишчи-хизматчи кучайтирилган тебранишли ва шовқинли иш жойларида фаолият кўрсатиб келаётган бўлсалар, 4 мингдан ортиқ ишчи эса газли ва юқори чангланишли жойларда меҳнат қилмоқдалар.

1993 йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича 347439 иш куни йўқотилган бўлиб, бу ҳар юз кишига 273,4 иш кунини ташкил этади.

1993 йил мобайнида вилоят касаба уюшмаларининг кенгаши ҳуқуқ ва меҳнат-техника назоратчилари томонидан 50 дан зиёд раҳбар ходимларга жарима солинди. Талабга жавоб бермайдиган бир қанча жиҳозлар, қурилмалар ва цехлар тўхтатиб қўйилди.

Енгин хавфсизлиги қоидалари кўпол равишда бузилганлиги сабабли Навоий шаҳридаги 12-автокорхона ёнилғи омбори ёпиб қўйилди. Қизилтепадаги «Шодлик» кичик корхонасида ҳам ана шундай содирликнинг гувоҳи бўлинди. Натижада ишлаб чиқариш цехи тўхтатилди. Навоий шаҳар хўжалик ҳисобидаги 26-автокорхона бошқариш пульти, Навоий тумани босмаҳона қозонхонаси, Нурота тумани «Ғозғонмармар» ишлаб чиқариш корхонасининг 3-цехи компрессор ускунаси меҳнатни муҳофаза қилиш талабига жавоб бермаганлиги сабабли тўхтатилди.

Бу борада кўпол хатоликларга йўл қўйган 12-автокорхона директори Ҳ. Имомов, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлиги муҳандиси М. Тўхтаев, катта диспетчер Э. Чинниқулов, диспетчер М. Сафарова, «Ғозғонмармар» корхонаси карьери бошлиғи Т. Рўзиев, мармарни қайта ишлаш цехи бошлиғи Ж. Қамолов, бош энергетик М. Қурбонов ва бошқа қатор айбдорларга жарима солинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 майдаги сессиясида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Барча ташкилот, муассаса ва корхоналар ишлаб чиқариш ва мулкчилик туридан қатъий назар ана шу қонунни бажаришга мажбурдирлар. Шунга асосан, раҳбар ходимларга ташкилотда 50 дан зиёд ишчи-хизматчиси бўлса меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси лавозимини жорий этиш, 40 дан зиёд транспорт воситасига эга бўлса, ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси лавозимини белгилаш, ишчи-хизматчиларни бевосита бепул якка тартибдаги ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга йўналтирилган маблағлар учун солиқ тўлашдан озод қилиш каби ҳуқуқлар берилди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фойда кетидан қуваётган айрим раҳбар ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини четлаб ўтишга ва улар учун ажратилган маблағларни тежаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Давлат тасарруфидан чиқарилган кичик корхоналар эгалари шу корхоналарни тўла давлат стандартлари, қурилиш норма ва қоидаларига асосан жиҳозламасдан, шу каби жиҳозларни мослашган биноларда ўрнатмасдан туриб ишлаб чиқариш фаолиятларини бошлаб юбормоқдалар. Бу эса ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келаяпти. Бунга Навоий шаҳридаги «Полимид», Қизилтепа туманидаги «Шодлик», Навоий туманидаги «Турон-1», «Автомобилчи», «Зубайда» кичик корхоналари мисол бўлади.

Навоий электрокимё заводи тиббиёт-санитария бўлимида ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими автокорхонасида тиббиёт ходимларига, транспорт ҳайдовчиларига, таъмирловчилар ва чилангарларга яратилган иш шароити ғоятда ачинарлидир. Зарарли иш шароитида ишловчиларга сут ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бериш, якка тартибдаги ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш, хавфсизлик бурчакларини ташкил этиш, ёчиниб-кийиниш хоналарини жиҳозлаш эътибордан четда қолдирилган.

Ўтган йил давомида 6 та бахтсиз ҳодиса аниқланиб, шундан 2 таси маъмурий ташкилотларга юборилди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишида етказилган зарарни ундириб олиш тўғрисида ариза ва шикоятлар анчагина.

Навоий тумани марказий касалхонасида 1974 йилги бахтсиз ҳодиса натижасида етказилган моддий зарарни ундириб олиш учун участка фельдшери Н. Абдуллаев 9 йил сарсон-саргардон бўлди. Ниҳоят вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнат-техника назорати бўлими ходимлари аралашуви билан бу зарар касалхона ҳисобидан ундириб берилди.

«Навоитранс» бирлашмасига қарашли автокорхоналарда санитариямаиший шохобчалардан фойдаланишда қатор камчиликлар бор. Жумладан, бу ерда ечиниб-кийиниш, ювиниш хоналаридаги жиҳозлар талабга жавоб бермайди. «Навоийавтойўл» бирлашмасига қарашли хўжаликларда эса йил давомида 1828 ишловчидан фақатгина 209 кишига махсус кийим, пойафзал ва якка тартибдаги ҳимояланиш воситалари берилган, холос.

Мавжуд қоидаларга риоя қилмаслик натижасида ўтган йилнинг 29 июнь куни Республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги «Узмеливодтранс» автотранспорт корхонасига қарашли муҳандислик-тижорат корпорациясининг хўжалик ҳисобидаги 26-автокорхонасида бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Автокорхонада газли ва электр пайвандлаш ускунасининг йўқлиги сабабли ҳайдовчи Шавкат Эргашев ўзи бошқараётган КАМАЗ-5320 русум, 66-57 НВН давлат рақамли автомашинаси бакини пайвандлаш мақсадида Навоий туман, «Нарпай» давлат хўжалиги марказий таъмирлаш устахонасига кирган. Устахонада пайвандловчи Зариф Сафаров автомашина бакини пайвандлаб бермоқчи бўлган. Автомобил ёнилғи сақлаш идишининг конструкциясига махсус рухсатсиз ўзгартириш киритилганлиги ва ёнилғидан тўлиқ тозаланмаганлиги оқибатида бак портлаб кетган. Натижада Зариф Сафаров ва Шавкат Эргашев қаттиқ тан жароҳати олишиб, касалхонага ётқизилган. Жароҳати оғир бўлган Зариф Сафаров вафот этган.

Юқоридаги бахтсиз ҳодисалардан кўриниб турибдики, Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишини таъминлашда айрим корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари масъулиятсизлик қилмоқдалар. Бундай мисолларни Навбаҳор туманидаги Жамбул, С. Жўраев, Охунбобоев номидаги, Қизилтепа туманидаги «Бўстон», «Ўзбекистон», Л. Аҳмедов номидаги хўжаликларда ҳам кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, вилоят касаба уюшмалари меҳнаткашларга хавфсиз иш шароити яратиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг муҳим воситаси эканлигини унутмасликлари керак. Чунки ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг аксарияти тасодиф эмас, балки айрим кишиларнинг зиммаларига юклатилган вазифага масъулиятсизлик билан ёндашишлари сабабдир.

Пленум ишида касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси С. А. Махнёва иштирок этиб, касаба уюшмалари фаоллари олдида турган вазифалар тўғрисида муфассал тўхталди.

Пленумда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

АХБОРОТЛАР

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

САЛОМАТЛИК ТЎҒРИСИДА

СУРХОНДАРЁ вилоят ҳокимияти ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар саломатлигига катта эътибор билан қарамоқдалар. Вилоят ҳокимининг бундан бир ой муқаддам «Вилоятда қишлоқ спорти ҳамда меҳнаткашлар ўртасида соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ҳақида» чиқарган қарори шундан далолат бериб турибди. Вилоят фаолларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши мазкур қарорни ҳаётга тадбиқ қилишда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вазифаларини муҳокама қилди. Ушбу масала юзасидан вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳимойиддин Шарофуддиновнинг маърузаси тингланди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими муовини М. У. Абдуллаев ва Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши раиси В. Ф. Бойко нутқ сўзлади.

ЯХШИ МУАЛЛИМ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ энг яхши муаллими номини олиш учун ўтказилган кўрик-танловга 23 нафар тажрибали ўқитувчилар қатнашди. Мақсад ўтилаётган дарсларнинг теран сирларини билибгина қолмай, ўқувчиларни Ватанга, эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, келажакнинг ҳақиқий эгалари қилиб етиштиришдан иборатдир.

Танлов уч босқичда уч кун мобайнида ўтди. Бу синовларнинг ҳаммасида Кегейли туманидаги Бекназаров номидаги мактабнинг математика фани муаллими Хўжамберган Қурбонов ғолиб чиқиб, «Қорақалпоғистоннинг 1993 йилги энг яхши муаллими» номини олди.

Муаллимларнинг бундай қизиқарли кўрик-танловларини ҳар йили мунтазам ўтказишга қарор қилинди.

ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

ЎТГАН йилнинг бошларида дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси қошида ун тегирмони қуришга киришилганди. Яқинда бу хайрли иш ниҳоясига етказилди. Натижада Қизилтепа тумани аҳли қатта бир ижтимоий муаммодан ҳоли бўлдилар. Улар эллик километр масофадаги Навоий ун комбинатидан маҳсулот ташиб келтириш ташвишидан деярли қутулдилар. Негаки, ойига салкам минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон ишга туширилди. Бу йил тегирмоннинг ойлик қуввати 1250 тоннага етказилиши мўлжалланаётир.

МУҚИМ БЎЛИБ ҚОЛДИ

ЖИЗЗАХ вилояти хўжаликларида бу йил 500 гектар майдонга Голландия картошкаси экилган эди. Гектаридан қарийиб 25 тоннадан ҳосил олинди. Унинг 6400 тоннаси уруғлик учун жамғариб қўйилди. Қолган ҳосил сотувга чиқарилмоқда.

Бу йил Ғаллаорол туманидаги Амир Темур номидаги, «Музбулоқ», «Бўстон» ширкат хўжаликлари, Бахмал туманидаги «Боғишамол» хўжаликларида ҳам ҳар гектаридан 250—300 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Мутахассисларнинг фикрича мазкур хўжаликлар Голландия картошкасидан маҳаллий картошкага нисбатан гектаридан 1,5 баробар кўп ҳосил олибди.

САВОБ УЧУН 4,5 МИЛЛИОН

КЕНГ жамоатчилик яқиндагина Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини тантанали нишонлади. Ҳазрат таваллуд топган манзил бугун мукаддас зиёратгоҳга айланган. Уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда бухороликлар билан бир қаторда республикамизнинг турли вилоятларидан келганлар яқиндан ёрдам кўрсатаяптилар.

Айниқса, андижонлик боғбонларнинг ғайрати ва ҳиммати таҳсинга лойиқ. Улар ўзлари билан турли хил кўчатлар олиб келиб, зиёратгоҳда кўркам гулзор ҳамда хиёбонлар барпо этишаяпти.

Андижон вилоят ҳокимлиги дунё назари тушган қадамжони ободонлаштириш учун 4,5 миллион сўм маблағ ажратган. Ҳозирча барча иш режа бўйича бораяпти. Зиёратгоҳ ҳовлиси ва атрофига 12 минг туп гул, 5000 тупдан зиёд турли хил манзарали кўчатлар ўтқазилди.

— Бу ерга эзгу ният билан келганмиз,— дейди Андижон мевачилик-кўчатчилик давлат хўжалиги ҳосилоти Муҳаммаджон Тўрабоев.— Зеро Ҳазрати Нақшбанддек табаррук зотнинг нафаси теккан заминни ободонлаштиришга ҳисса қўшиш ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз. Вилоятимиздаги моҳир гулчи ва боғбонлар сафида Анваржон Файзиев, Йўлдош Абдуллаев, Анваржон Нуриддинов, Зокир Мамасолиев ва бошқалар бор. Улуғ Бобур ватандошлари хайрли ишда азиз бухороликларга кўмақдош бўлаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Носир ТОШЕВ
«Ишонч» мухбири.

ҚОНУН БИЛГАН АДАШМАЙДИ

«Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган эди сохибқирон Амир Темур. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимга эга бўлса яшаш, меҳнат қилиш осонлашади. Худди шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқшуносларини «Файз» ишлаб-чиқариш бирлашмаси ишчилари билан учрашдилар.

Меҳнат қонунлари ҳақидаги ўзгаришлар, жумладан, меҳнат шартномаси ҳақида ҳуқуқшунос Ҳамидулла Пиримқулов, пенсия таъминотидаги янгиликлар ҳақида ҳуқуқшунос Нина Ефимовалар гапириб беришди. Ишчиларнинг қатор саволларига ҳам жавоб беришди. Учрашувда ҳуқуқшунос Абдувахоб Хайрутдинов иштирок этди.

«Ишонч» мухбири.

ЧЕРНОБИЛЧИЛАР УЧУН СИҲАТГОҲ

(Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан Учқўрғонда шу йўналишда санаторий очилди)

ГАРЧИ Ўзбекистонимиз истиқлоли учинчи ёшга қадам қўяётган бўлсада, ҳали «СССР» қолдирган «беморликлар» узоқ йиллар ўз касрини кўрсатадиган кўринади. Жумладан, «аср фожиаси» деб номланган Чернобил фалокати юз минглаб одамлар ёстиғини куритаётганлиги, майиб-мажруҳга айлантираётганлиги бунинг далилидир. Биргина бизнинг республикамизда бу бахтсизлик туфайли 10 мингдан зиёд киши соғлиғини йўқотди. Наманган вилоятидан эса бугунги кунда 850 ҳамюртимиз нурланиш касаллиги азобини тортмоқда.

Тўғри, республика ҳукумати, маҳаллий ҳокимиятлар, касаба уюшмалари «айбсиз айбдорлар» қисматини енгиллаштириш учун бетиним қайғурмоқдалар. Президентимизнинг қатор Фармонлари билан уларга зарур миқдорда нафақалар, ҳар турли имтиёзлар ва енгилликлар белгиланган. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши қошида алоҳида бўлим бу масала билан шуғулланмоқда.

Чернобилчилар соғликларини тиклаб олишлари йўлида яна бир савобли тадбирга қўл урилди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Учқўрғон шаҳридан унча узоқ бўлмаган соя-салкин, узоқдан қорли тоғлар кўриниб турадиган жойда, Норин дарёси соҳилида «Наврўз» сиҳатгоҳи очилди.

Албатта, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи шароитида бундай катта ишни рўёбга чиқариш осон эмас. Аммо биз тилга олаётган шифо тармоғини ташкил этиш учун унча кўп маблағ талаб этилмади. Илгари бу ерда қурилиш ташкилотига қарашли иморат бўлганлиги юмушни енгиллаштирди. Атиги 20 миллион сўм эвазига бино ҳам таъмирлашдан чиқарилди, ҳам зарур жиҳозлар сотиб олинди.

Ҳозирда мазкур шифо масканига келган кишининг кўнгли яйрайди, кўзи қувонади. Қўриниши ва тайёрланаётган таомлари шаҳар ресторанларининкидан қолишмайдиган ошхона, озода ва барча қулайликларга эга икки ва уч ўринли ётоқхоналар, дам олиш заллари, вақтни хуш ўтказиш учун мўлжалланган ўйинхоналар даволанувчилар хизматида.

Маълумки, нур касаллигига учраганлар муолажаси бошқа дардга йўлиққанларга нисбатан ўзгачароқ. Бинобарин, кўпроқ халқ табобати усулига амал қилинмоқда. Бу борада халқ академиги Муҳиддин Умаровнинг хизматлари катта бўляпти. У шифобахш гиёҳлардан тайёрлаётган дори-дармонлар кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга Москвадаги машҳур табиб Жунанинг шогирди, унинг мактабини тамомлаб келган олий маълумотли шифокор, биопсихотерапевт Тўхтахон Жўраеванинг ҳам олдиндан режалаштирилган муолажалари йўлга қўйилган.

Яқинда Ўзбекистонда ягона ушбу сиҳатгоҳнинг очилиш маросими ўтказилди. Туман ҳокими Ҳакимжон Тожибоев ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Эргашой Жўрабоевалар ҳаворанг лентани кесдилар. 60 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳ дастлабки 45 беморни қабул қилиб олди. Тантанали маросимда чернобилчилардан Неъматжон Мамасолиев ўзлари учун тинимсиз қилинаётган ғамхўрлик учун аввало, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга, республика ҳукуматига, шунингдек маҳаллий ҳокимиятларга, касаба уюшмаларига қизғин миннатдорчилик билдирди. Ўзбекистон «Чернобилчилар уюшмаси»нинг раиси Абдукарим Исломхўжаев, туман ҳокими Ҳакимжон Тожибоевлар сўзга чиқишди. Республика «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлимининг бошқарувчиси Лутфиддин Ғаффоров жамғарма номидан сиҳатгоҳга эсдалик совғаси ва 100 минг сўм пул топшириди.

Тантанали маросим қатнашчиларига туман бадиий ҳаваскорлари дастаси ижросида ашула ва ракслар дастури намойиш этилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Хавф ортда қолди...

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎЗА).

ХОМУШ ТОРТМАСИН КИЧКИНТОЙ!

БОШ ҳаким Яҳёхон Ҳамрохўжаев, болалар уйи бошланғич касаба уюшма ташкилоти раисаси Моҳирахон Жабборова ҳамроҳлигида палата айланамиз. Кимларнингдир гуноҳи эвазига айбсиз айбдор бўлиб дунёга келган норасидалар... Бу ерда ишлаш учун қанчалик бардош, уммондек меҳр зарур. Тарбия топиб, даволанувчиларнинг асосий қисми ўрнидан тура олмайди, овқатланишда ҳам ўзгалар кўмагига муҳтож. Бири жисмоний ожиз бўлса, иккинчисининг ақли заиф.

90 нафар гўдакнинг қорни учун ҳар куни 32—33 минг сўмликдан маблағ сарфланади. 90 нафар гўдак учун 100 ходим биркитилган. Улардан тўрт нафари ҳаким, 20 нафари ҳамшира.

— Бизда муолажа кучайтирилган усулда олиб борилади, — дейди бош ҳаким. — Шундай бўлиши ҳам керак. Иқтисодий таназзул тиббиётга ҳам касрини кўрсатаяпти. Энг оддий дори-дармон анқонинг уруғи. Лекин иложини топаяпмиз. Аввалари ҳар бир боланинг кўрпа-ёстиғи, ётар-турари учун йилга 24 сўмдангина маблағ ажратиларди.

— Бинобарин, бу соҳада андак қўлимиз калталик қилиб қоляпти. Идиштовоқ, бошқа асбоб- анжомларни қўя туринг, оддий совунга ёлчимаймиз, — дейди Моҳира Жабборова. — Кир ювиш порошоги-ку биз учун аллақачон орзуга айланган.

— Биз бир ёшдан тўрт ёшгача бўлган ногирон кичкинтойларни қабул қилиб даволашимиз лозим, — дея унинг сўзини давом этдиради Яҳёхон ака, — сўнгра болалар уйига ўтказиб юборилади. Бунақа маскан эса республикамизда бармоқ билан санарли. Ўн саккиз ёшгача етиб борганлар ногиронлар уйига жойлашади. Шунинг учун йилига аранг бир-икки нафарини ўрнаштиришга муваффақ бўламиз, холос.

— Кўпларнинг ота-оналари бор эмиш...

— Нимасини айтасиз... Бизга топшираётганларида беш-олти ойгина даволаб беришимизни илтимос қилишиб, бир-икки йил ўтгач олиб кетишга қасам ичишади. Бироқ йиллар ўтади — ўз зурриётларидан хабар ҳам олишмайди.

Бош ҳакимнинг куйганича бор. Қарангки, Асака шаҳридан келтирилган тўрт ёшли Максим Нам вафот этганда ота-онасини кутиб икки кун сақлаб турилган. Телефон кетидан телефон қилиниб, шошилинч телеграмма юборилганига қарамай уйларидан ҳеч ким келмаган. Ўз боласига нисбатан шундай муносабатда бўлишганига нима дейиш керак? Марҳумнинг отаси Нам Валентин Васильевичнинг қалби тошга айланиб кетган бўлса керак, деб ўйлайсан киши.

— Лекин, — дея жилмайиб қўяди Яҳёхон ака. — Орамизда савобталаб кишилар ҳам сероб. Ўз ходимамиз Мавлудахон Шаҳобиддинова бир йўла икки болакайимиз — уч ва тўрт ёшли Умиджон Эргашев билан Нишон Раҳматовларга ўз ҳисобидан суннат тўйи ўтказди. Ўша куни ҳовлимизда дош қозон осилиб ош дамладик. Маҳалладан оқсоқоллар таклиф этилди. Жамоамиз мириқиб маданий хордиқ чиқаришди. Бироқ бу ҳақда Фарғона вилоятининг Киров туманида яшовчи Умиджоннинг ота-онасига хабар етказилганига қарамай-дарак бўлмади. Нишонжон Раҳимов шундоққина яқинимизда истиқомат қилади. Ўзи у ёқда турсин, боланинг онаси Насиба Раҳимова ҳам фарзанди қувончини баҳам кўришни лозим топмади.

— Камтар кўча, 3-уйда турувчи Маҳмуда Тўраева эса Одил Абдуҳаффоров ва Меҳриддин Фармоновларнинг қўлини ҳалоллашга катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидламай ўтолмаймиз,— дейди касаба уюшмаси раисаси,— Афсуски, Меҳриддиннинг Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги собиқ Ленин номли жамоа хўжалигида турмуш кечираётган отаси Жўрабой, онаси Махсумалар бизнинг бу ҳақдаги шошилинч телеграммамизга жавоб ҳам қайтаришмади. Одилжоннинг Чортоқ туманида турадиган оила аъзоларидан ҳам хабар бўлмади.

Тағин бир маълумот мени изтиробга солади. Олдинлари мазкур масканга мадад қўлини чўзадиган айрим ташкилот ва корхоналар бугунга келиб Наманган шаҳрида шундай жой борлигини бутунлай унутиб қўйишди. Баҳорнинг чилги ҳосилларидан ногирон норасидаларга насиба келтиришга ўрганган Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигидагилар ҳам анчадан бери дом-дараксиз. Вакиллари тез-тез эшик қоқиб турадиган «Беш йиллик» нотўқима матолар бирлашмаси, кимё корхонаси, қатор қурилиш ташкилотлари хеч бўлмаганда ҳайит, болаларнинг туғилган куни маросимларида арзимас совға-саломларини аяшаётгани ҳам дилни ранжитади. Тўғри, давлат болаларни ҳеч нарсадан қисмаяпти. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандларидек еб-ичишаяпти. Лекин бола учун ота-онанинг йўриғи бошқа. Ҳамма нарса қаҳат бўлсабўлсин, бироқ заифларга, ногиронларга, шафқатталабларга нисбатан меҳр-мурувватимиз камаймасин, деймиз. Одамгарчиликнинг бош мезони меҳр-оқибатдадир. Буни унутмаслигимиз керак. Кичкинтойлар қаерда бўлмасин, тинч-осуда яшашсин, танқисликни сезишмасин, хомуш тортмасин ҳеч қачон!

Ж. ОБИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ишонч № 3 1994

ҚАНОТИ ҚАЙРИЛГАН СОҲИЛЛАР

ИНСОН табиатнинг энг суюкли фарзанди. Ер юзидаги ҳайвонот дунёси ва наботот олами ҳам табиатнинг дилбандларидир. Ана шуларнинг ҳаммаси она-табиатнинг қадди-камолини, ҳусну жамолини кўз-кўз қилади.

Инсонни табиатнинг энг суюкли фарзанди, дейишимиз боиси, у табиат оламига ҳамиша онгли муносабатда бўлиб, бу оламни доимо қўриқлаб, яшнатиб ва яшартириб туришдек буюк қудратга эгадир.

Зарафшон воҳаси одамлари азалдан табиатнинг чинакам ошиқлари бўлиб келганликлари тарихий манбалардан маълум. Воҳанинг зар белбоғларидан бири бўлган Наҳрипай каналининг одамлар қўли билан бунёдга келиб, уларнинг кучи ва қалб ардоғи билан атрофи ободонлашгани, қуюқ дарахтлар билан қопланиб, ўлканинг энг хушманзара масканларидан бирига айлантирилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Аммо, кейинги йилларда Наҳрипай канали инсоннинг руҳий оламига озиқ бериб, унга яхши кайфият бағишлайдиган манба вазифасини ўтай олмай қолаётир. Нега?

Бундан 19 йил илгари сўлим сув манбаси ҳисобланган Наҳрипайнинг тинчи бузилди. 200 йиллар мобайнида ота-боболаримиз кўзидан нур, қалбидан шуур олиб тикланган ва бизга улардан ёдгорлик бўлиб қолган дарахтлар инсон буйруғи билан техника кучига дош беролмай қулаб туша бошлади. Ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди. Фурсатдан фойдаланган канал ёқасида яшовчилар бу дарахтларни ўтин сифатида уйларига ташиб олдилар. Бироқ масаланинг бошқа томони кўпчиликнинг дилини ранжитди. Канал янги ўзанининг 24 километри учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланганда 11 миллион 332 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши назарда тутилди. Лойиҳада каналнинг дастлабки 7 километрига 63 минг, 5 километрига 30 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш кўзда тутилганди. Ундан кейинги 5 километрлик масофани эса бўш қолдириш, охирги 7 километрига 7,5 минг туп дарахт ўтказиш мўлжалланганди. Таажжуб, лойиҳачилар нималарни назарда тутиб турли масофаларга турли хилда дарахт ўтказишни белгилаб беришди экан? Бу бизга номаълум.

Шу тариқа бузиш — аниқроғи, таъкидлаб ўтганимиздек, авлодлар қўли билан вояга етказилган дарахтларни йиқитиш бошланиб кетди. Кўп ўтмай янги канал қазилиб, атрофига бетон плиталар қоплана бошланди. Дарахт масаласида қурувчилар «каромат»и лойиҳачилар «фаросат»идан ҳам ошиб тушди. Иш жараёнида колонна раҳбарлари лойиҳага бирон марта назар ташлаб қолган бўлсалар керак, дастлабки километрларга 2—3 минг туп чинор кўчати ўтказишди. Кейинчалик бу ишни давом эттиришни унутиб юбордилар. Ўтказилган чинорлар ҳам қаровсизликдан тезда қуриди.

Суяр бобо Давлатов, меҳнат фахрийси:

— Ёшим 80 га яқинлашиб қолди, Аммо ўзимни ҳали тетик ҳис этаман. Чунки саломатлигим яхши. Ўзимча буни канал ёқасидаги баҳаво Дамча қишлоғида ўсиб-улғайганимга ўйўяман.

Илгарилари канал ёқаси жаннатни эслатарди. Унинг ҳар икки томони узун ва бақувват тераклар, хушманзара толлар билан қопланганди. Улар тагидан эсган дилга ҳузур бағишловчи майин шабадани айтмайсизми?

Ёз бошланиши билан канал ёқаси болалар билан тўлиб кетарди. Улар каналда маза қилиб чўмилишарди. Ёзнинг жазирама кунларида, саратон тафти димиқтирганда қишлоғимиз қариялари ҳам канал ёқасига қатор тизилишиб ширин суҳбат қурардилар.

Мана, бугунги кунга келиб 200 йилдан зиёд вақт мобайнида одамлар дилини яйратиб, чарчоғини қочириб, касалини аритиб, чанқоғини қондириб келган канал атрофи ҳувиллаб қолди. Ҳозир ундан зилол сув ўрнига қишин-ёзин кўнгилни айнитадиган, ҳар хил чиқиндилар аралаш лойқа сув оқади. Эндиликда унинг ёқасига боргани ҳеч кимнинг юраги бетламайди...

Тожи Тоҳиров, меҳнат фахрийси:

— 40 йил сувчилик қилдим. Звеномизга ажратилган карта канал ёқасида бўлганлиги туфайли саратон чоғларида ишлаб ҳориган пайтларимизда қуюқ дарахтлар соясида дам олардик. У ердаги роҳатбахш шабада танга ҳузур бағишлаб, чарчоғимиз тезда ёзиларди. Шундан сўнг меҳнатимиз янада унумли бўларди.

Канал ёқасида кўплаб қоровуллик пунктлари бор. Бу ерда ишлаётганлар ҳам негадир соҳилларга манзарали дарахтлар экишга журъат қилишмаётир. Қолаверса, Нарпай ва Пахтачи туманларидаги деярли барча хўжаликларнинг экин майдонлари шу оби ҳаёт манбасидан баҳраманд бўладилар. Шундай экан, хўжаликларнинг раҳбарлари бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўришса айни муддао бўларди.

Қуш қаноати билан гўзал. Ана шу қанотлар унга куч ва қудрат бағишлайди. Наҳрипай канали ҳам ўзининг гўзал ва сўлим соҳиллари билан асрлар давомида кишилар меҳр-муҳаббатини қозониб, уларга маънавий озиқ бағишлаб келган. Шу туфайли одамлар дардини енгиллаштирадиган, қалбга ширин ҳислар соладиган канал соҳилларини ҳам унинг қанотлари десам муболаға бўлмайди. Бугунги кунда ана шу канал мустаҳкам қанотларидан жудо бўлган маҳзун қушга ўхшаб қолганлиги жуда ачинарлидир.

Х. РИЗАЕВ,
Самарқанд вилояти.



Ҳар фаслнинг ўз гаши бор.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

УВОЛ ЭМАСМИ?

БЕРУНИЙ шаҳрига қилган сафаримизда туман «Халқ минбари» газетаси муҳаррири Тўрамурод Юсупов шундай деб қолди:

— «Ишонч» она табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни кўтариб чиқаяпти. Раҳмат! Аммо экологик вазиятни яхшилашга ҳамма ерда ҳам бир хил эътибор йўқ. Нафақат Беруний тумани, балки ўлкамиз кўрки «Бадай», «Таллиқ» тўқайзорларидаги катта-катта майдонларда ёнғин чиқиши туфайли беқиёс зарарлар етказилмоқдаки, буни тил билан таърифлаб бўлмайди.

Дарҳақиқат шу йил ёз фасли охирларида Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитасига қарашли Беруний ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш участкасидаги «Сариқ ўтов» тўқайида ёнғин содир бўлди. Уни ўчиришга асосан Беруний тумани ҳокими, Қорақалпоғистон халқ депутати Мақсуд Абилович Сапоев раҳбарлик қилди. Аммо... «тилсиз ёв» 636 гектар майдонли тўқайзорга жуда катта моддий зарар етказиб улгурган эди. Натижада ўрмон хўжалигига келтирилган зарар салкам икки миллион сўмни ташкил этди.

Бундай воқеалар фақатгина Беруний туманидагина эмас, Оролбўйида жойлашган Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов ва Нукус туманларида ҳам содир бўлаётир. Айниқса, давлат қўриқхонаси — «Бадай» тўқайида 32 гектардаги ўрмон ёниб, кўплаб ноёб паррандалар, ҳайвонлар ҳалок бўлганлиги асло кечирилмас ҳолдир.

Хўш, Қорақалпоғистон Республикасидаги бундай содирликларнинг асосий сабаби нимада? Буни аниқлаш учун Берунийдаги «Сариқ ўтов» тўқайига тегишли ташкилот вакиллари ўз вазифаларига жиддий ёндошмаганликларидир. Шундай қалтис вазиятлар юз берган пайтда асосий эътибор ёнғинни зудлик билан ўчиришга қаратилиб, ёнғин келтириб чиқарган сабабларни ўрганишга, излар эса йўқ бўлиб кетишига аҳамият берилмайди. Аслида ўрмон хўжалиги ходимлари инсоният учун ғоят зарур «яшил бойлик»нинг ҳар бир қаричи, унинг нормал ривожланиши, қуриб қолган дарахтлар ўрнига янгиларини ўтказиши, бир сўз билан айтганда ҳар бир туп дарахтни кўз қорачиғидек асраши шарт.

Ҳозирги мураккаб бир пайтда бу аччиқ ҳақиқатни айтиб, Қорақалпоғистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони, айниқса ўрмон хўжалиги ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари раҳбарлари вазиятни юрак-юракдан англаб етишларини истар эдик. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўтган йилнинг 3 сентябрида «Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қабул қилган махсус қарорини эсда тутиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир. Ахир, бефарқлик, лоқайдликка берилиш — она табиатимизга ўрни тўлмас даражада зарар етказавериш гуноҳи азим эмасми?!

Абдурҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА

ЖЎРАҚУЛ Жумаев ҳақида кўп ёзишган, телевидение орқали бир неча бор кўрсатишган. Сабаби у Қашқадарёда дастлабки шахсий фермер хўжалиги ташкил этган кишилардан. Ҳозир унинг хўжалиги анча бақувват, 30 бош корамол, 80 бош қўй боқилаяпти. Ж. Жумаев 1992 йилда 10 тонна гўшт, 34 тонна сут етиштиришга муваффақ бўлди. Шу йилнинг ўн ойи ичида эса 30 тонна сут, 12 тонна гўшт топширди. Жўрақул Жумаев Қасби туманидаги «Қашқадарё» жамоат-ширкат хўжалиги ҳудудидаги ягона фермер эмас. Уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Тўрахон Қиличев фермерлик фаолиятини бошлаганига икки йил бўлди. Қорамолчилик билан шуғулланаяпти. Моллари сони 25 тага етди. Шундан 12 таси соғин сигирлар. Тўрахоннинг фермер хўжалиги 1993 йилнинг ўн ойи давомида 10 тонна сут, бир тонна гўшт етиштирди. Фермерга уч гектар ер берилган экан. Ғалла экиб 10 тонна ҳосил олибди. Ғалладан бўшаган майдонга кечки маккажўхори экибди. Жамоа-ширкат хўжалиги раҳбарлари фермерга яна уч гектар ер беришмоқчи эканликларини айтишди.

Умуман олганда Қасби туманида фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Туман деҳқончилик-саноат бирлашмаси раиси Муҳаммад Ражабовнинг айтишига караганда ҳозир туманда 50 та фермер хўжалиги иш олиб бораяпти. Уларнинг 28 таси чорвачилик, 22 таси эса деҳқончилик билан шуғулланади. Чорвачилик учун фермерларга 365 гектар, деҳқончилик учун 578 гектар ер берилган. Туманда техника таъминоти ва таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида фермерларга техника хизмати кўрсатиш учун махсус сервис ҳам ташкил этилган. Унда ер текислаш, ҳайдаш, экиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга керак бўладиган ҳамма техника воситалари бор.

Муродилла КЕНГБОЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов, ҳуқуқшунос Н. Ефимова, Ўзбекистон Ижтимоий-таъминот вазирлиги бўлим бошлиғи Зироат Мухитдинова, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлим мудири Ғоибназар Каримов жавоб берадилар:

Нима боисдан Контракт (меҳнат шартномаси) деган тушунча қонунчиликка расмий равишда кириб келди ва бу шартнома ҳар иккала тарафга нима беради?

Йўлдош АЛИХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти,
Янгийўл шаҳри.

Шартнома деган тушунчани киритилишининг боиси шундаки, республикамиз мустақил бўлгач, мулкчиликнинг бир неча турлари — яъни давлат мулкидан ташқари хусусий ва жамоат мулки, қўшма корхона мулки каби кўринишлари вужудга келди. Булар ўз навбатида меҳнат шартномасининг кенгроқ усулини қўллашни тақазо этди. Яъни, аввал меҳнат шартномаси оғзаки ва ёзма равишда тузилиши мумкин эди. Бунда асосан ишчи-хизматчи зиммасига ички қоида тартибларига риоя қилган ҳолда ўз вазифасини бажариш юклатилган эди. Маъмуриятга эса унинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаб, тўлиқ иш шароити яратиб бериш кўзда тутилади. Шартномада эса тарафларнинг келишувига биноан қонунчиликка зид бўлмаган ва меҳнаткашнинг аҳволини янада яхшилайдиган қўшимча шартлар назарда тутилган.

Меҳнат шартномасини пухталаштириш ҳар иккала томонга маълум ижобий натижалар беради. Яъни, шартноманинг шартларидан келиб чиққан ҳолда ишчи-хизматчининг бажараётган ишига масъулияти ошади. Бунинг сабаби маъмурият ишчи-хизматчининг меҳнатига яраша рағбатлантиришни, қўшимча ҳақ тўлашни, моддий жавобгарлик каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ҳом-ашё етишмаслиги ва бошқа сабаблар туфайли бекор туриб қолиш ҳолларида ишчи-ходимларнинг манфаатини кўзловчи ўзгаришлар борми?

Қумрихон НАЗАРОВА,
Андижон вилояти,
Балиқчи тумани.

Бор. Меҳнат қонунларининг 113-моддасининг янги таҳририга биноан агар ишчи, ходим бекор туриб қолиш бошлангани ҳақида маъмуриятни вақтида огоҳлантирса, бекор туриб қолиш унинг айбига биноан содир этилмаса — бу вақт учун унга маошининг 3/2 кисмидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши керак. Бироқ, бу қонунларда белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши назарда тутилган. Янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш даврида эса бекор туриб қолган ходимларга аввалги ўртача иш ҳақи ҳисобида қўшимча ҳақ тўланиши мумкин. Бу ўзгаришнинг фарқи яна шундаки, аввалда $\frac{2}{3}$ кисми деб аниқ белгилаб берилган бўлса, бунда эса $\frac{2}{3}$ кисм энг оз миқдор деб тан олинади ва бундан кўпроғини тўлашга йўл қўйилади. Унинг шартлари шартномада келишилган бўлиши мумкин.

Болаликдан буён қўлтиқ таёқда юраман, ўнг оёғим ишламайди. Ногиронлик гуруҳини доимий қилиб белгилаш мумкинми?

Б. ҲАМРОЕВА,
Самарқанд вилояти,
Тайлоқ тумани.

Амалдаги қўлланмаларга асосан ногиронлик гуруҳи 6 ойдан 2 йилгача муддат билан белгиланади. Шу билан бирга айрим оғир хасталикларда Соғлиқни саклаш вазирлиги ва касаба уюшмалар кенгаши томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхати асосида хам ногиронлик доимий қилиб белгиланиши мумкин.

Шунинг учун вилоят тиббий мехнат экспертиза ҳайъатига бу масалани аниклаб беришларини сўраб мурожаат этиш мумкин.

Бир кўзи кўрмаган ҳолларда ногиронлик гуруҳи тайинланадими?

Мансур МАҲМУДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани,
Пешқозоқ қишлоғи.

1992 йил 17 июлга қадар ногиронлик белгилашда бир кўзи кўрмаганларга фақат меҳнатда жароҳатланиш ва ҳарбий хизмат билан боғлик ҳолларда III гурух ногиронлиги белгиланар эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-сонли қарори билан ногиронликни аниклашдаги тиббий кўрсатма қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бу кўрсатмага асосан бир кўзи кўриш кобилиятини йўқолган чокда ногиронликнинг III гуруҳини белгилаш мумкин, деб топилди.

Бунинг учун турар жойдаги шифохонага мурожаат килиб, тиббий мехнат экспертиза ҳайъатига — (ТМЭҲ) йўлланма (Ф-88-у) олиш зарур, сўнгра ТМЭҲ кўригидан ўтиш лозим.

Эшитиш қобилияти йўқлиги, соқовлиги учун болаликдан ногиронлик белгиланадими?

Олмахон САБУРОВА,
Тўрткўл шаҳри,
Усмон Юсупов кўчаси.

16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлик тайинлашдаги тиббий кўрсатмаларга асосан эшитиш қобилияти бутунлай йўқолганда, карлик ва эшитиш ёмонлашганлигининг III—IV даражаси бўйича икки йил муддат билан ногиронлик белгиланади ва даволаш ишлари хамда кузатув олиб борилади. Икки йилдан сўнг қайта кўрик ўтказилади. Бунинг учун болалар шифохонасига мурожаат килиб, тиббий назорат ҳайъати хулосасини олиш, сўнгра туман ижтимоий таъминот бўлимларига ижтимоий пенсия тайинлаш учун ариза топшириш лозим.

Амалдаги меҳнат ҳақидаги қонунчиликнинг 158-моддасида жарима солиш каби ўзгартириш киритилибди. Ишчи-хизматчининг қандай ҳатти-ҳаракатларига нисбатан қандай жарима солиниши мумкин?

Каримжон АВЛОҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани.

Аввалги ушбу моддада интизомий жазонинг қуйидаги турлари мавжуд эди: Огоҳлантириш, ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан, уч ойгача кам маош тўланадиган ишга ўтказиш ва маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш чоралари кўриларди. Энди эса ҳайфсан, меҳнат интизомини бузганлиги учун маошининг 20 фоизигача жарима солиш, меҳнат интизомини мунтазам равишда бузгани учун, ишга маст ҳолда ёки наркотик ҳамда заҳарли моддалар истеъмол қилиб келганда ва сабабсиз ишга қатнамаган ходимнинг иш ҳақидан 40 фоизигача жарима солиш ва ишдан бўшатиш чоралари назарда тутилган. Ҳар бир нотўғри ҳатти-ҳаракат учун жариманинг аниқ фозини маъмурият мустақил белгилайди.

Меҳнат шартномаси қанча муддатга тузилади ва пенсионерлар ҳам шартнома асосида ишлашлари мумкинми?

Жўраҳол НАЗАРОВ,
Жиззах вилояти.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан КЗОТнинг 22-моддасига кўра меҳнат шартномаси номуайян бўлмаган муддатга ёки беш йилга ва зиммага олинган ишнинг бажарилиши учун сарф бўлган муддатга тузилади. Пенсионерлар хам шартнома асосида ишлашлари мумкин ва муддатли шартнома билан ишласалар топган пулларидан қатъий назар пенсия тўлиқ ҳажмда берилади.

Уйимга 15 йил аввал хўжалик алоқа бўлими билан боғланган телефон ўрнатганман. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан эса туман алоқа бўлими билан боғландик. Алоқа бўлимидагилар ҳар ойда телефон ҳақини тўлаб туришимизни талаб қилишади. II-гуруҳ ногиронман, урушда қатнашганман. Телефон ҳақини тўлашим тўғрими?

Худойберди ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, «Зарафшон» жамоа хўжалиги.

Телефон ҳақини ҳар ойда тўлаб туришингиз керак. 1993 йилнинг 16 октябридан хонадонда телефондан фойдаланилганлиги учун ҳар ойда 200 сўм миқдорида, телефон блок орқали ўрнатилган бўлса, 160 сўм миқдорида ҳақ тўланади.

Мен Гулистон шаҳрида яшовчи ўғлим билан тез-тез телефон орқали гаплашиб тураман. Сизлардан илтимос, шаҳарлараро гаплашилганда 1 минут учун қанча ҳақ тўланишини ва код орқали боғланилганда эса қандай ҳисобкитоб қилинишини айтиб берсангиз.

Бекмурод БОТИРОВ,
Самарқанд вилояти,
Қўшработ тумани,

Электрқуввати, транспорт, моддий-техника ресурслари ва коммунал хизмат ҳакларининг ўсиб бориши натижасида телефон хизматидан фойдаланиш ҳаки ҳам ошиб бормокда.

Шаҳарлараро телефонда гаплашилганда 300 километр масофагача 1 минут учун 50 сўм миқдорида ҳақ тўланади, масофа ошса 80 сўмдан тўланади.

Шаҳарлараро уланиш коммутатор орқали бажарилганида 1 минутлик ҳақ олинади. Код билан боғланилганда ҳам масофага кўра ҳақ олинади.

● Саҳифани маданият, маънавият ва хатлар бўлими тайёрлади.

«НАВОИЙНОМА»

НАЗАРИМИЗДА, Ҳазрат Навоий ҳақида 40-йилларда ёзилган биринчи насрий асар — «Навоий» романи бузруквор Ойбек қаламига мансуб бўлса, бу соҳада 80-йилларда ёзилган биринчи йирик шеърий асар — «Навоийнома» чоркитобини салоҳиятли, жўмард шоиримиз Барот Бойкобилов яратиш шарафига муяссар бўлди. Устоз Ойбекнинг «Навоий» романи Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргач, Ҳиротга қайтиши билан бошланиб, умрининг сўнгида ўша саройни тарк этиши билан тугаса, Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» чоркитоби Алишер Навоийнинг бутун шарафли умрини — унинг туғилишдан тортиб вафотига қадар бўлган ғоят мураккаб, ўта зиддиятли, аммо бағоят шонли ва шарафли тарихини қамраб олган.

«Навоийнома» чоркитоби тўрт жилдлик шеърий романдан иборат бўлиб, бу асарда ўқувчи Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги сербарака, серфайз фаолиятлари, унинг Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод каби юзлаб давлат арбоблари, шоирлар, адиблар, санъаткорлар билан бўлган сермазмун, пурвиқор, дўстона ҳамда ижодий муносабатлари билан танишади.

Масалан, улкан мутафаккир ва шоир Ҳазрат Жомий ўзининг бузруквор шогирди, маслакдоши, улуғ замондоши Ҳазрат Навоийни улуғлаб, унга қарата шундай дейди:

«Алишербек амир бўлиб киройи,
Иқтидор навосин қилди хиргойи.

. . . . . .

Туркий буюк тилдир, зебо ва рангин,
Жон қуши янграгай тинглаб оҳангин.
Анинг маҳзани бой — битмас то абад.
Шуҳратда форсийдек билмагай сарҳад
Форсий ила туркий янграр асрлар.
Махзанин бойитур янги насллар!

Хуросон давлатининг пойтахти Ҳиротда юз берган ички сиёсий жанжаллар, жаҳолатнинг манфур кучи, сарой ичидаги ярамас фиску фужурлар ўз ишини қилиб забардаст шоир Алишер Навоийнинг тинкасини қуритган, уни тузалмас оғир касал ҳолига олиб келганлигини Барот Бойқобилов бағоят мантиқли, ишонарли тарзда зўр қайғу ила баён этади.

Ҳақиқий заҳматкаш ва эътиборли шоир ижоди авжи гуллаган даврида яратган — тўрт шеърий романида шамсулмиллатимиз, бузруквор Ҳазрат Навоий пурфайз умрининг тўрт фаслини: баҳори, ёзи, кузи ва қишини зўр эҳтирос, алоҳида сидқидил, самимий меҳр-муҳаббат билан, мажозий равишда тасвир этганлиги муҳтарам шеър мухлисларининг диққат-эътиборларини жалб этади.

Бундай улкан, салмоқли «Навоийнома» ўттиз беш минг мисра, эллик босма тобоқдан иборат маснавийда ёзилган ажойиб, йирик шеърий асар илгари адабиётимизда йўқ эди. Бу — Ҳазрати Навоийнинг «Ҳамса»сидан кейинги адабиётимизда пайдо бўлган улкан шеърий асардир.

Шу нарсани назаримиздан узоқлаштирмаслигимиз лозимки, Барот Бойқобилов бу асарни собиқ Шўролар тузуми ҳукмрон бўлган бир пайтда ёзган, унда тарихимизнинг XV асрдаги шонли ва мураккаб даври бугунги кун нуқтаи назаридан, бутун борлиғича, тўғри ва ҳаққоний ёритилган. Бу ҳазилакам иш эмас, албатта. Шу фикр билан боғлиқ яна бир гап бор. Шу пайтгача Алишер Навоийнинг замондоши, маслакдоши, дўсти, Ҳирот султони Ҳусайн Бойқарога бўлган муносабатимиз салбий эди. «Навоийнома»да эса Барот Бойқобилов Ҳусайн Бойқарога тарихан тўғри ёндошган. Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари ҳеч қандай ясама — бўёқсиз, тарихда қандай бўлган бўлса, ўшандай, ҳалоллик билан, тўғри ва ҳаққоний тасвирланган.

Сўнгги икки йил ичида мустақил юртимизда юз берган жиддий, кескин, ҳайрли ўзгаришлар, жонажон ва сарбаланд Давлатимизнинг ўз истиклолини қўлга киритиши ва Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиё Ҳамдўслигига асос қўйилиб, қўҳна ва навқирон Турон ўлкамиз тобора юксак одимлар билан Жаҳон миқёсига кўтарилаётган қутлуғ айёмда «Навоийнома» каби асарларга мутлақо бошқача кўз билан қарашимиз, уларни янги давр тақозоларига монанд баҳолашимиз лозим бўлади. Ва фақат ўзбек ва бошқа туркийзабон халқлар учун, балки бутун Якин ва Ўрта Шарқ халқлари учун улкан ва муҳим маънавий-маданий воқеа бўлган Ҳазрат Навоийнинг бой илмий-адабий, фалсафий-тасаввуфий, маданий-маънавий меросини биз ожиз бандалар ҳали етарлича баҳолай олганимизча йўқ.

Айни мана шу нуқтаи назардан қараганимизда Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» чоркитоби адабиётимизга нафақат йирик бадиий асар, балки навоийшуносликка ҳам қўшилган улкан ҳиссадир. Муаллиф ҳассос олим сифатида ҳам навоийшунослар ҳали қилмаган муҳим ишнинг уддасидан чиқолди. У Навоий даври ижтимоий-сиёсий муҳитини тарихчи навоийшунос сифатида мукаммал билганини ўз асари орқали кўрсатди. Асардаги тарихий шахслар сиймоси, ўша даврда тутган уларнинг мавқеи, тарихдаги ўрнига тўғри ва ҳаққоний ёндошганлиги таҳсинга лойиқдир. Шунинг учун ҳам Барот Бойқобиловнинг устози, ўта қамтар, ҳоксор ва заҳматкаш адиб Миртемир оғанинг бағоят образли ибораси билан айтганда, «Ургутдан чиккан бургут», жасур, довюрак, самимий ва ўта истеъдодли шоирнинг ўзи Навоий номидаги мукофот соҳиби бўлишига арзийди, деб дадил айта оламиз.

Хамид ЗИЁЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ориф УСМОН,
филология фанлари доктори.

«КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР»

МУҲАРРИРИМИЗДАН ушбу топшириқни олгач, севиниб кетдим. Чунки икки-уч йилдан буён шундай асарни яратган ёзувчига икки оғиз дил изҳори билдиргим бор эди.

Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига номзоди қўйилган Шукрулло домла учун ўтган кунларни қайта хотирлаш, тиконли сим ортидаги мудҳиш ҳаёт лавҳалари унинг саломатлигига таъсир этмай қолмаслигини сўҳбат маҳали ҳис этдим.

— Она қизим, асаримни ўқиган экансиз, оддий китобхон, ёш авлод вакили сифатида фикрларингизни билишни хоҳлардим...

Айни пайтда тарихнинг чинакам манзараси ўз ифодасини топган «Кафансиз қўмилганлар» романи билан танишган дамлар хаёлимда жонланди...

Дадам 47 йил ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, эндиликда қарилик гаштини суряптилар. Адабиёт ҳақида фикрлари теран, кўп ўқиганлар, ҳамон ўқийдилар. Айниқса ўз тенгқур ёзувчи-шоирларга ҳурматлари баланд. Бир гал тилла топган одамдай суюниб, Шукрулло домланинг янги насрий асарини кўрсатдилар.

— Мана бу китобни бир ўқигин!— дадамнинг кўзларидаги қувончни, ижодий суҳбатга мойил ихлосларини сезиб, асарни илк бор кўраётгандек қўлга олдим.— 47 йил болаларга на Усмон Носирни, на Чўлпону Фитратни ва на Қодирийни қолаверса, Бобурни ўргатибмиз-дедилар. Яна афсусланган оҳангда:— адабиёт дарслари қанчалик енгил-елпи режалаштирилган экан-а? Болалар Қодирийни «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романини ёзган адиб сифатида ўрганишарди-ю, шўрликнинг аччиқ қисматини билишмасди... Не иложки бошқа дарслик йўқ, ҳозиргидек эмин-эркинлик қаёқда эди... Шукрулло боплабди. Қани ўша уни «сотқин», «ватан душмани» деганлар «ғинг» деб кўрсин энди...

«Кафансиз кўмилганлар»ни дастлаб «Ёшлик» журнали саҳифаларида, сўнг китоб ҳолида кўзларимда ёш билан ўқиганман. Оталаримизнинг аччиқ қисмати, ижодкор қалбларнинг фиску-фасодга, диёнатсизликка қарши фарёди, исёни ларзага келтирган ва чуқур фикрга толдирган эди. Дарҳақиқат бир ўйланг: ўғри ўз айбини тан олади, жиноятчи қилмишига иқрор бўлади. Аммо айбсиз айбдорлар нимани тан олиш керак? Шоирнинг гуноҳи недур? Ижод аҳли доимо халқ манфаатини ўйлаб, ўзи азобланса ҳам бошқаларга роҳат-бахш этмоқни истайди кўнгли.

Қамоқхонадаги, тиконли симлар ортидаги, сантехник устахонасида шарқона тушга яхши таъбир битиб ўтирган жулдир кийимли маҳбус кўзларимга рангли кино тасвиридек аниқравшан кўриниш беради. Унинг қисматига юракдан эзиламан. Ноҳақ қамалганлар «панисломист», «пантуркист» тамғаси зўрлаб бўйнига осилган жабрдийдалар... Уларнинг орасида зиёли ҳам, оқ-қорани танийдиган-танимайдиган ҳам саводсиз сиёсатдан йироқ «гуноҳкор»лар ҳам бор. Бари инсон, бари тирик жон...

Тарих ҳақидаги лавҳалар ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Асар ҳақида ўйлайману ундаги мудҳиш содирлик, қийноқлар «қув-қув»лар, ноҳақликлар худди куни-кеча бўлганига ишонгинг келмайди. Ҳайратга тушаман.

Исохон Қиличев деган худо раҳмат қилгур химия ўқитувчимиз бўларди. Уруш қатнашчиси, шунақанги нутқи равон, ажойиб ҳикоялар, ривоятлар айтишга моҳир эди. Шу киши катта эшон бўлган. Аммо дарсда ҳамиша бизларга худо йўқ, дин бўлмагур нарса деб уқтирарди. Шу гапларни айтаётганда унинг кўзлари алланечук йилтираб туришини ҳали-ҳали эслайман. Бунинг сабабини мана энди, орадан шунча йиллар ўтиб, Шукруллонинг мазкур асарини ўқиб чиққач, англагандекман. Ахир дадам ҳам: «Исохон Тўранинг ҳам ота-боболари эшон авлоди ўтган, лекин замона зўрлиги бўлгач, иложи қанча? У киши билан ҳоли гаплашганимизда мулла Эргаш, нима қилай, тўғрисини айтсам балога қоламан. Болаларга худо йўқ дейману ичимда ўзинг кечир деб қўяман»,— дердилар.

Ана бизни порлоқ коммунизм чўққилари сари етакловчи «доно сиёсат»имиз маҳсули. «Кафансиз кўмилганлар» баҳона дадам ҳикоя қилар эканлар, 30-йиллар бошидаги очарчилик йиллари тоғаларининг икки қизи бир кунда очликдан шишиб ўлганини эшитиб кўзимга ёш қалқийди.

Яхши асарни батафсил шарҳлаш ортиқча. Унинг қадри ҳаётийлиги билан ўлчанади. Шукрулло домланинг бевосита ўз бошидан кечирганлари бир эмас, минг ўқувчини ўйлатишга, юракнинг аллақаерини жизиллатиб ўтишга қодир. Шуни ҳис қилиб юртдошларим, ҳамқишлоқларимнинг қисматида ҳам худди шундай ўтмиш жароҳатлари мавжудлигини англадим. Шунинг учун ҳам бу асар энг яқин дўст каби қўнглимга қуйилди чоғи.

«Кафансиз кўмилганлар» ёзилиш услуби, тилининг равонлиги билан ҳурматга сазовор. «Хотинимнинг ҳикояси», «Тириклар қабристони», «Мўъжиза» сарлавҳали воқеалар эса сизни кўп мушоҳадага чорлайди. Чорлабгина қолмай борлиғингизни банд этади. Бу ҳам катта маҳоратнинг маҳсулидир. Шу сабаб Шукрулло каби устоз ёзувчиларимиз билан фахрланамиз. Бу асар келажак авлодлар учун энг оғир, изтиробли дамлардан ўчмас хотира бўлиб қолади. Ёмон ниятли нигоҳлардан сақланиб шу кунларга етиб келганлар ва ноҳақ тузум боис азобу уқубат чеккан ота-боболаримиз, момоларимизнинг руҳиноклари қаршисида шам бўлиб ёниб қолишига ишонгим келади.

Норинисо ҚОСИМОВА.

ТАНЛОВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотлари бериш қўмитасида 1994 йил учун кўрсатилган номзодларнинг танлови қизғин давом этмоқда. Улар ичида адабиёт ва адабиётшунослик бўйича Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома», адабиётшунос Натан Маллаевнинг «Сўз санъатининг гултожи» («Хамса» талқинига бағишланган илмий-адабий рисола) асарлари бор. Шунингдек, кинемография ва телевидение соҳаси бўйича Мақсуд Юнусов (постановкачи), Маҳаммадали Абдуқундузов (Навоий, Бобур ва Чўлпон асарларида бош ролларни ижро этгани учун), Ўрол Ўтаев (бадиий раҳбар), Саидкамол Расулов (постановкачи-рассом — «Лайли ва Мажнун», «Бобур», «Кеча ва кундуз» номли кўп серияли видеофильм яратганлари учун), Абдулла Орипов (шоир), Мустафо Бафоев (бастакор), «Ҳажнома» ораториясини яратганлари, Сайфи Жалил (бастакор), Ҳамидулла Шамсиддинов (бош дирижёр), Ҳамроали Кичим ва Гулгина Зокирова (бош роллар ижрочилари — Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрида «Маликаи айёр» спектакли яратганлари учун), меъморчилик соҳаси бўйича Ургут шаҳар қурилиши ва Тошкентдаги «Халқлар Дўстлиги» концертлар зали биносининг бир гуруҳ бунёдкорлари, халқаро ижодий ҳамжиҳатлик соҳасида Аҳсан Ботир (ўзбек ёзувчилари романларини турк тилига таржима қилгани учун), А. Яссавий, Бобур, Машраб асарларини турк тилида нашр этишга бошқошлик қилган Камол Эрарслон каби адиб ва санъат вакилларининг номлари ҳам кўрсатилган. Шу муносабат билан биз қуйида номзоди Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига тавсия этилган адиблар Шукрулло ва Барот Бойқобилов ҳақида фикр юритамиз.

ЯНВАРЬ

17 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Сулола». Телефильм. 18.20 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобил Усмонов. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.30 «Бунёдкор», «Қаршистрой»нинг 30 йиллигига. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ислоҳот ва масъулият». 21.20 Аждодлар мероси. «Амир Темур». 21.55 «Эрга тегмангиз қизлар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Билиб қўйган яхши». 19.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.10 «Енгиндан сақланинг!». 20.40 «Аччиқ данак». Телевизион бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Тадбиркор». 16.20 Мультфильм. 16.30 Болалар — болаларга. 17.10 «Иқболи кулганда». 17.50 «Мулкдор алифбоси». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Гол». 18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар». 19.05 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 31-серия. 19.40 «Миниатюра». 19.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Спорт уик-энди». 21.45 «Маърака». Москва «Ленком» театрининг фильм-спектакли. 01.00 Янгиликлар. 01.35 Қиличбозлик. «Москва шамшири» халқаро турнири. 02.05 Париж-Дакар-Париж автораллиси. Якунловчи кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 «Автомиг». 16.35 Болалар учун янгиликлар. 16.50 «Россияда бизнес». 17.20 Янги чизиқ. «Поволжье».

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба куни детектив. «Родос учбурчаги». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан. 21.20 «Ностальжи»— барча авлодлар мусиқаси». 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00—22.30

Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.25 «Тафсилотлар». 22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.40 «Абракадабра». 23.10 «Менинг дўстларим — менинг бойлигим». Хайрия концерти. 00.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

18 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм. 10.35 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.05 «Қалдирғоч». Фильм-концерт. 11.35 Ўқув кўрсатуви. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Қўшиқ рақсга уланса». Саодат Туронова ва Гўзал Мансурхўжаева. 18.50 Кинолавҳа. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.25 «Иқтисод сабоқлари». Банкир. 19.35 «Фармон ва ижро». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова. 21.50 «Учувчилар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Шунчаки саргузашт».

«ОМАД» таништиради:

19.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10.10 «Инсон ва қонун». 10.40 «Гол». 11.10 Болалар — болаларга. 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Тёманинг болалиги». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 14.55 Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 15.40 «Тадбиркор». 16.10 «Иш». 16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 1-серия. 16.50 «Қизлар ўртасидаги сир». 17.10 Болалар ва ўсмирлар XVI халқаро Москва кинофестивали. 17.50 «Мулкдор алифбоси». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Яширинча». «МДҲда атом электр станцияларининг хавфсизлиги». 18.50 Мультфильм. 19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Олтин шлягер». 22.15 «Илк манбадан». 22.30 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «СССРда тайёрланган». Бадиий фильм («Фора-фильм»). 24.00 «Телескоп» (илова). 00.15 «Дераза ортида тун». 00.50 «Матбуот-экспресс». 01.00 Янгиликлар. 01.35 Профессионал баскетбол лигаси халқаро чемпионати. МАСК — «Динамо» (М.).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула». 8.00 «Янги чизиқ». 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Мульти-пульти. 9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. 12.00 Хонаки экран. «Жаҳонгашта эртак». Бадиий фильм. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Телегазета». 14.10 «Фариштанинг кузги совғаси». Бадиий фильм. 15.20 «Энг соддаси». 16.20 Болалар учун янгиликлар. 16.35 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?». 17.05 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари. 17.35 «Азъ есмь».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 268-серия. 20.45 Санъат майдони. «Финляндияда Рождество байрамлари». 21.25 «Биз севган ва унутмаган инсонлар ҳақида». М. Растропович. 22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.25 «Тафсилотлар». 22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.40 «Асил ҳолича». 23.35 Спорт кўрсатуви. 23.40 «Қисқаси...» 00.25 «Сариқ сувости кемаси» клуби. 00.55 «Осойишталик № 9».

19 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 Республика газеталарининг шарҳи. 9.45 «Аския». Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси «Тежамкорлик сирлари». 18.30 «Фан уфқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.25 Бир асар тарихи. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин. «Темур Малик». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Тадбиркорлар минбари». 22.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати. 22.30 «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бумеренг». Экология ҳақида. 19.50 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Ҳаққа». Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10.30 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 11.10 «Марафон-15». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 13.30 «Виктория». Телевизион бадиий фильм. 14.55 Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Тадбиркор». 16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 2-серия. 16.50 «Марафон-15». 17.30 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар». 18.55 Мультфильм. 19.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 20.00 «Кремль девори ортида». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Аншлаг, аншлаг». Клара Новикова. 22.50 «Актёрлар ва тақдирлар». «Аёллар». Бадиий фильм. 00.45 «Матбуот-экспресс». 01.00 Янгиликлар. 01.35 «МТV».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула». 8.00 «Янги чизиқ». 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Мульти-пульти. 9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. 10.00 «Асил ҳолича...» 10.55 «Ҳақиқатни асровчилар». 11.25 «Янги чизиқ». 11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 268-серия. 12.45 Мульти-пульти. 12.55 Ҳужжатли фильм. 13.25 «Телегазета». 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.55 «Ишбилармон киши». 14.30 Санъаткор фильм жавонидан. Режиссёр Ю. Райзман. «Сўнгги тун». Бадиий фильм. 16.00 Мульти-пульти. 16.25 Болалар учун янгиликлар. 16.40 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари. 17.10 «Янги чизиқ».

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 269-серия. 20.10 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви. 20.55 «Хўжайин». 21.25 «Самолардаги юқори палата сиймолари». 21.40 «Мен — йўлбошчиман». 22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.25 «Тафсилотлар». 22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.40 Спорт кўрсатуви. 22.45 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади. 23.40 Мусиқа йирик планда. «Шаҳарлар ва учрашувлар». 00.30 Криминал хабарлар экрани. 00.40 «Тунги дискотека».

20 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Чекист ҳақида қисса». Бадиий фильм. 10.55 «Ёшлик» студияси. «Улуғбек ва биз». 11.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.50 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Чимёнда бир кун». Телефильм. 18.20 «Менинг маҳаллам». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.25 «Иқтисод сабоқлари». 19.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ёшлик» студияси. «Ботма, қуёш!». «Ўзбекистон — тинчлик диёри». 22.00 «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. «Табассум». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.20 «Тошкент оқшомлари». 21.50 «Пульс». Хабарлар.

«ОМАД» таништиради:

22.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 Мультфильм. 9.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.25 Мультфильмлар. 14.00 Футбол. Уэмбли сари йўлда. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Тадбиркор». 15.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 16.10 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 3-серия. 16.40 Хизмат кўрсатган «Солнишко» рақс ансабли ижро этади (Житомир). 17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.50 «Технодром». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Лабиринт». 18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар». 19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.55 «Матадор». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 23-серия. 22.40 «Ёшлик пайтларимизда...» «Театр учрашувлари» кўрсатуви саҳнафаларида. 23.10 «Останкино» концерт студиясида шоир Б. Чичибабин билан учрашув. 24.00 «Матбуот-экспресс». 00.10 «50×50». Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар. 01.45 Футбол. Уэмбли сари йўл.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула». 8.00 «Янги чизиқ». 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 «Кетдик...». 9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. 10.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар». 10.30 «Мастер-класс». М. Растропович. 11.15 «Азъ есмь». 11.40 «Рек-тайм». 12.10 «Параллеллар». 12.25 Концерт. 12.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 269-серия. 13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.50 «Тилла шпора». 14.20 «Сайёрадош қўшнилар». 14.50 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади. 15.45 «Телегазета». 15.50 «Янги чизиқ». 16.35 Болалар учун янгиликлар. 16.50 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали. 17.20 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари. 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 270-серия. 20.00 «Ғалаба одимлари» телемарафони. Новгороддан олиб кўрсатилади. 22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.25 «Тафсилотлар». 22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.40 «Сиёсат майдонида». 23.35 Криминал хабарлар экрани. 23.45 «Йил фасллари».

21 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Олишув». Бадиий фильм. 11.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.20 «Устозни хотирлаб». 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим». 18.45 «Медитация». Телефильм. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.25 Мақом куйларидан концерт. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 «Оқшом эртаклари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Бевосита мулоқот. 22.00 «Мозийга қайтиб». Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. «Ровот қашқирлари».

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида). 19.55 «Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ». М. Қодировнинг муаллифлик кўрсатуви. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Миразиз куйлаганда». Фильм-концерт.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Қувноқ нотачалар». 9.40 Болалар учун фильм. «Само йўли». 10.20 «Олеся ва компания». 10.50 «Мени шундайлигимча эсланг». Тошкентдан кўрсатилади. 11.20 «Америка М. Таратута билан». 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Ким қотил, участковой?» «Ҳудуд» туркумидан. 1 ва 2-фильмлар. 14.35 Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Ишбилармонлар хроникаси». 15.35 «Бридж». 16.00 «Бизнес-класс». 16.15 Болалар учун фильм. «Само йўли». 16.50 «Олеся ва компания». 17.20 «Бедорлик». Мурманскдан кўрсатилади. 17.50 «Технодром». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан) 18.25 «Бир кўриш керак». 18.40 «Инсон ва қонун». 19.15 «Америка М. Таратута билан». 19.45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 24-серия. 22.25 Немис актрисаси Ф. Гааль ижоди ҳақида. 23.05 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 23.20 «Матбуот-экспресс». 23.35 «Фестиваллар намойиши». Палмспрингсда халқаро кинофестиваль (АҚШ). 00.15 «Музобоз». 01.00 Янгиликлар. 01.35 «Тун» кўрсатуви. 02.55 «Х» программаси.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула». 8.00 «Янги чизиқ». 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 «Кетдик...» 9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. 10.00 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта». 10.30 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Мусиқий афсона». 11.30 «Сиз яратган боғ». 12.00 «Янги чизиқ». 12.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 270-серия. 13—20 «Телегазета». 13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.50 «Оқ қарға». 14.35 «Россияда бизнес». 15.05 Россия телевизион театри. В. Вересаев. «Хаёлга келмаган воқеалар». 15.45 Жума кунлари Дисней. «Максдан сўранг». Бадиий фильм 16.35 Болалар учун янгиликлар. 16.50 «М-трест» 17.05 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари. 17.35 Ҳужжатли фильм.

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Биз севган комедиялар. «Гусар қиссаси». Бадиий фильм. 20.55 «Ҳеч ким унутилмайди». 21.00 «Юлдузли ёмғир». 22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.25 «Тафсилотлар». 22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.40 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади. 23.35 Спорт кўрсатуви. 23.45 «К-2» таништиради. 00.35 Тунги салон. 02.05 «Сариқ сувости кемаси» клуби (Эс-Эн-Си).

22 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 Республика газеталарининг шарҳи. 9.45 «Бетайин кишилар». Бадиий фильм. 11.10 «Алифбо сабоқлари». 11.40 «Фиғон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 13.10 «Истиқлол эгалари». Сирдарё вилояти ёшлари ҳаётидан. 14.10 Футбол. Голландия чемпионати. 18.00 Болалар учун. «Қўнғироқча». 18.30 «Тилга эътибор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Бизга мактуб йўллабсиз. 20.00 Жаҳон спорти янгиликлари. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 21.40 Республика театрларининг телевизион фестивали. «Дилором». Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта театри ва балет театрининг спектакли. 00.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт. 19.45 «1994 йил — оила йили». Шифокорлар билан очиқ мулоқот. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.50 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Спорт-имконият». 9.00 «Марафон-15»— кичкинтойларга. 9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 10.55 «Тонгги почта». 11.25 «Лаззат». 11.40 «Сир асрорлар дарвозаси». 12.25 «Инсонлар замини». Экологик кўрсатув. 12.55 «Ўз-ўзингга мадад бер». 13.25 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «Кулранг тошлар орасида». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Пеппи Узунпайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18-серия. 15.55 «Ҳаёт ва сиёсат». Ҳамжиҳатлик сари йўл. 16.25 «Экстро-НУЖ». 16.55 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Фигурали учиш. Европа чемпионати. Эркин рақс. Даниядан кўрсатилади. 17.55 «Эрмитаж». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 18.25 «Ҳафтанинг акс садоси». 18.55 «Бир боқишда муҳаббат». 19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Черри-стритдаги шартнома». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.30 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Тақдир ҳазиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 22.20 MTV совринларини топшириш. 23.50 «Матбуот-экспресс». 00.05 Сўнгги киносеанс. «Денгиздан чиққан ҳайвон». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Чашмалар». 8.55 «Ретро-шлягер». 9.25 «Рост» студияси. 9.55 Фольклор. «Кострома жилолари». 10.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 11.10 Ватандошлар. «Африкалик руслар». 11.40 Актер кинотеатри. В. Лановой. «Қизил елканлар». Бадиий фильм.

13.15—16.20
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

16.20 «Экспоцентр таништиради. 16.25 «Чегарасиз футбол». 17.20 «Квадрат илдиз остидаги чақатангалар». 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати, Копенгагендан олиб кўрсатилади. 21.15 «Санта-Барбара» овозаси». 21.45 «Репортер». 22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Телеэкранда премьера. «Урга». Бадиий фильм. 00.20 «А» программаси. 01.25 Тунги сеанс. «Ашерлар уйи». Бадиий фильм.

23 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Футбол майдонларида». 10.00 «Ёшлик» студияси. «Аскар қўшиқлари». 10.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. (Ҳиндистон). 50—51 серия. 12.00 Телевизион миниатюралар театри (такрор). 12.40 «Халқ ижодиёти». Қора ва Чори бахши Умировлар. 13.30 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик — мусиқий кўрсатув. 14.10 Самарқанд вилоят Иштихон тумани Марказий маданият уйи қошидаги «Роҳат» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.00 «Булбулча» куйлайди. 18.35 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида). 19.30 «Ойнаи жаҳонда». 19.45 Телевизион новеллалар театри. Вишна Прабхакар. «Қалб нидоси». 20.30 «Ҳафтанома». 21.10 Санъат усталари концерти. 21.50 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.00 «ОМАД» таништиради.

● «ОРБИТА IV»

6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари. 6.55 «Руҳни чиниқтириш». 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Телесеренада». 9.00 «Паузасиз». 9.35 «Эрта саҳарлаб». 10.05 «Полигон». 10.35 «Спортлото». 10.50 «Ҳамма уйдалигида». 11.20 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар». 12.00 «Янги авлод танлайди». 12.45 «Пи» белгиси билан». 13.30 «Провинция». «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: 14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мультфильм. 15.30 «Саёҳатчилар клуби». 16.20 «Ҳунарли хор бўлмайди». 16.25 Мультфильмлар премьераси. «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар». 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 «Авто-шоу». 18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 19.30 «Севги тарихи». 20.05 Катталар учун мультфильм. 20.20 «Большой театр. Кунлар ва оқшомлар». 21.10 Юмор антологияси. 22.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви. 22.45 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Даниядан кўрсатилади. 00.30 «Катта сайр». 01.05 Янгиликлар. 01.25 «Минг бир кеча». Мусиқий кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Унутмаганлар ҳақида». Ҳужжатли фильм. 8.55 «Хайрли тонг». 9.25 «Тўққизинчи портама». Дам олиш викторинаси. 9.55 «Рост» студияси. «Кик-боксинг», «Соник-супер-ёжик». 10.25 «Агар сиз...» 10.55 «Ати-бати...» 11.25 Кипрас Мажейка. Аргентинадан репортажлар. 11.55 «Биз бахтли бўламиз». Ҳужжатли фильм. 12.25 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.

13.25—16.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

16.50 «Ҳайвонот оламида». 17.50 Спорт кўрсатуви. 17.55 Телефильм. 18.25 Диснейнинг сеҳрли олами. «Гуфи ва унинг командаси», «Қора плашч». 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Ўз-ўзига режиссёр». 20.05 Эй-Би-Си билан якшанба оқшоми. «Ҳиёнат». Бадиий фильм. 21.50 Катталар учун мультфильм.

22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 «Ксюша ҳузурида».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

ҲУРМАТГА САЗОВОР ҲАКАМ

БИРИНЧИ миллий чемпионатимизнинг (1992 йил) дастлабки тур мусобакалари (олий ва биринчи лига) деярли томошабинларсиз ўтади. Нафакат мухлислар, балки мутахассислар, футболчилару мураббийлар ҳам ўз чемпионатимизни камол топишига ишонкирамаётгандек эди. Мустақилликка эришилгач миллий чемпионатимизнинг биринчи мавсуми қатор муваффақиятларни қўлга киритиш у ёқда турсин, камчиликлардан ҳам холи бўлмади.

1993 йил эса биз учун анча омадли келди. Футболимиз савияси ошди. Ўйинчиларимиз аввалги йилга нисбатан ўз бағрига кўплаб ишкибозларни чорлади. Ўзбек футболига бегона кўз билан қарай бошлаганлар эндиликда уялиб қолишди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиши ҳам футболимизнинг келажаги порлоқ эканлигидан далолатдир. Республикамиз футбол Федерациясининг ФИФА ва ОФК (Осиё футбол Конфедерацияси)га қабул қилинди. Миллий терма командамиз октябрь ойида Хиросима, Япония шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларида, 1996 йил Атлантада бўладиган Олимпиада саралаш мусобакаларида қатнашадилар. Шунингдек, чемпион жамоамиз «Нефтчи», кубок соҳиби «Пахтакор» ҳам йирик халқаро турнирларда иштирок этади.

Ҳамюртларимизнинг ана шундай нуфузли мусобакаларда муваффақият қозонишлари учун замин яратилмоқда. Ҳозирда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Бундай ишларга нафақат жамоа клуби, ҳомий ва маҳаллий ҳамжамиятлар, балки республика матбуот органлари ҳам ўз ҳиссасини кўшаяпти. Жумладан: «Ўзбекистон футболи» газетаси йилнинг энг яхши ўйинчисига, «Туркистон» газетаси йилнинг энг ёш ўйинчисига ўз совғасини тайёрлагани каби «Ишонч» газетаси ҳам йилнинг энг яхши ҳакамига мукофот таъсис этди. Бу мукофотга футбол ҳакамлар уюшмаси томонидан аниқланган республика тоифасидаги ҳакам Бобур Ҳайдаров сазовор бўлди. Шу сабабли Бобур Ҳайдаров билан учрашиб сухбатлашишни лозим топдик:

— Бобур ака, аввало унвон муборак!

— Раҳмат. Лекин ростини айтсам, бундай бўлишини ўйламагандим.

— Нима учун?

— Бу унвон республикада мендан ўтадиган ҳакам йўқ деган тушунчани беради. Чунки чемпионатимизни бошқарган ҳакамларимизнинг кўпчилиги ўз ишининг устаси, мен ҳам ўшаларнинг бирман-да. Қолаверса, рус тилида чиқадиган «Спорт» газетасининг маълумот беришича ҳакамлар рўйхатини бошқа ҳакам бошқаради.

— Ҳақиқатдан унда Имом Тожиев номи кўрсатилган. Сир бўлмаса айтингчи, ўша рўйхат адолатдан тузилганмиди?

— Андишанинг отини кўркоқликка йўймайдиган бўлсак, ўша рўйхат рейтинг битта одамнинг ракамларга таянган ҳолда қилган иши. Аслида ракамларга эмас, унинг меҳнатига қараб баҳолаш лозим.

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳакамларининг кечаги ва бугунги ҳаёти ҳақида нималар дея оласиз?

— Кечагига нисбатан бугунгиси анча унумли. Хабарингиз бор. СССР чемпионати даврида кўпгина жамоаларимиз биринчи ва иккинчи лигаларда тўп суришарди. Четдан командалар келганида ўйингоҳларимизга томошабин сиғмай кетган пайтлар ҳам бўлган. Лекин ўша учрашувларни бошқарган ҳакамлар ҳам албатта четдан, ўзга миллатга мансуб шахс бўлиши керак эди. Камдан-кам ҳолларда ўзбекка насиб этарди майдонга тушиш. Бошқа шаҳар ва республикаларга таклиф этишку, деярли бўлмаган. Шунинг учун ҳам ўзбеклардан биргина Анвар Солижоновгина не-не машаккатлар эвазига Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам бўла олди. Шукурлар бўлсинким, мустақилликка эришдик. Икки йил мобайнида ўз футболимизга эътибор қанчалик кучайган бўлса, бундан ҳакамларимиз ҳам четда қолмади. Жойларда, ёш, билимли, энг муҳими, ўзбек ҳакамлар етишиб чиқди.

Эътибор берган бўлсангиз уччала ҳакамнинг исми шарифи ҳам ўзбекча. Бу бизнинг ютуғимиз, албатта.

— Лекин кўп ҳолларда томошабинлар ҳам, футболчилару, мураббийлар ҳам ҳакамлар устидан шикоят қилиб қолишади, уларнинг савиясини айблашгача боришади.

— Ҳакам бўлганим учун касбдошларимни камситмоқчи ёки ҳимоя қилмоқчи эмасман. Улар ўз ишини назарий жиҳатдан яхши биладилар, ҳакамлик қоидасини сув қилиб ичиб юборганлар. Лекин кўп ҳолларда ўз обрўси, ҳурматини ҳимоя қилолмай қоладилар. Шу — уларнинг энг катта хатоси. Қолаверса, мухлислар, мураббийлар ва улар атрофидаги ноаниқ кимсалар ҳар хил йўллар билан ҳакамни нотўғри иш юритишига мажбур қиладилар. Бундай ҳолларда ҳимоясиз қолган ҳакам нима қила олсин? Минглаб томошабинлар эса моҳиятни тушуниб етмай норози бўлишади.

— Кўпинча палончи ҳакам «сотилибди» деган гап ҳам ўрмалабқолади. Айтингчи, ҳакамнинг баҳоси қанча туради?

— Қўпол бўлса ҳам тўғри савол бердингиз. Бунинг шаҳсан гувоҳи бўлмасамда, эшитганим бор. Ҳакам «сотилмайди». Минг афсуски, баъзида уни ҳали айтганимдек мажбур қилишади. «Йўқ десангиз, тинч-омон уйингизга қайтишингиз қийин. «Хўп» десангиз виждон қийналади. Лекин менда шундай содирлик бўлишини сира истамайман.

— Сиз футболчига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўласизми ёки аксинча?

— Мактаниш эмас-у, ҳар калай ҳурматимни сақлай биламан. Агар иккала жамоа ҳам тартиб-интизомни, ҳақиқий футбол «спектаклини» намойиш этишса, умуман ҳуштак чалиб, ўйинни совут мас эдим. Биз эса ҳозир кўпроқ ҳуштак чалиш билан овора бўлиб қоляпмиз. Футболчиларимизда ҳақиқий футболчига хос маданият етишмаётгандек. Шундай бўлгач ўйинни тўхтатишдан, зарур найтда кимнидир жазолашдан ўзга иложимиз йўқ.

— МҲСК «Полиотдел» учрашувида майдонга тушишдан олдин кайфиятингиз ёмонлашганмиди? Чунки...

— Тўрт ўйинчини майдондан четлатдингиз, демоқчисизда.

— Ҳа!

— Бундай ҳол ҳаётимда биринчи марта рўй берди. Ҳеч қачон бунчалик шафқатсизлик қилмагандим. Майдонга ёмон кайфият билан тушмаганман. Лекин шундай қилишимга ўйинчиларнинг ўзи сабабчи бўлди. Яна қайтараман: Майдонда ҳакам ўз ҳурматини йўқотдими, тамом, ҳаммага салбий таъсир кўрсатаверади.

— Бу йилги чемпионатда оғир кечган учрашувлар сиз учун қайсилари бўлди?

— «Наврўз», «Суғдиёна», «Нурафшон», «Навбаҳор», «Орол», «Нефтчи» ўйинларида анча тер тўкдим.

— Бобур ака, ҳакамликни қачон ва қандай бошлагансиз?

— Асли орзуим футболчи бўлиш эди. Ёшлигимда футбол билан шуғулландим. 1969 йили — ўнёшимда «Текстильщик» клубида мураббий Мажидовдан футбол «алифбо»сини ўргандим. Мактабни тугатиб, хизматдан қайтганимдан сўнг собиқ СССР чемпионати иккинчи лигаси вакили — Жиззахнинг «Труд» командасида ўйнадим. 1980 йилга қадар Шаҳрисабзнинг «Ҳисор», Бўканинг «Кооператор» командаларида тўп сурдим. Шу йилга келиб қаттиқ касалга чалиндим ва футболдан кетишга мажбур бўлдими. Тошкент вилояти касаба уюшмасига ишга жойлашдим. Анвар ака Солижонов ўша вақтда номи чиққан ҳакамлардан эди. Унинг таклифига биноан Тошкент шаҳар биринчилигида ҳакамлик қила бошладим. Тез орада бунга астойдил киришиб кетдим. 1982 йилда биринчи бор Республика ҳакамлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқини олдим. Келаси йилдан иккинчи лигага ҳам таклиф қилишди.

1985 йилда биринчи марта Украинада Бутуниттифоқ ўсмирлар турнирида Ўзбекистондан бир ўзим қатнашдим. Ҳакамлик савиям москвалик мутахассисларга ёқиб, ўша йилнинг ноябрида Сочида ўтказилган ўсмирлар терма командалари йиғинига ҳам таклиф этишди. 1986 йилда эса Душанбеда Бутуниттифоқ ҳакамлар йиғинида иштирок этдим. Икки йил ўтиб, биринчи лигада учта ўйин ўтказишга муяссар бўлдим.

1989-91 йиллар мобайнида собиқ СССР чемпионатининг Буфер минтақаларида ўндан ортиқ учрашувларда ҳакамлик қилдим. 1982 йили эса Марказий Осиё кубоги мусобакаларининг Қирғизистон-Қозоғистон учрашувини ўтказдим.

— Ҳалқаро ўйинларда майдонга тушмаганмисиз?

— Кўп бўлмасада учтасини бошқаришга сазовор бўлдим. Булар Болгария — «Пахтакор», Жанубий Корея — «Навбаҳор» ва «Витесс» Голландия — Ўзбекистон миллий терма командаси учрашувлари.

— Бобур ака, оилангиз билан ҳам таништирсангиз?

— Келинойингиз Эльгизахон ўқитувчи. Ҳозирда бола тарбияси билан банд. Икки қиз, бир ўғилни вояга етказяпмиз. Баъзида дўстларим сўрашиб қолишади: ўғлинг, сенга ўхшаб ё футболчи ё ҳакам бўлади деб. Мен эса ёлғиз ўғлимни униси ҳам, буниси ҳам бўлишини истамайман. Нима учунлигини ҳам айтмасам узрлидир.

Ойбек ЮНУСОВ.

Суратда: (ўнгда) Бобур Ҳайдаров

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди. Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-763 | 2 3 4 5 6

Ишонч

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

БОШ МУҲАРРИР ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманнон АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.

● Маданият, маънавият ва ҳатлар 56-87-78, 56-87-63.

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда—2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда —2-70-07;
Тошкентда — 56-82-79;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририят га келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 14 январда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Санъат МАҲМУДОВА.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 73530 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.